# ЎЗИНИ ТАНИЁТГАН ОДАМЛАР

КОЛХОЗ КЛУБИ одамларга лиқ тўлган. Клубнинг икки эшигида, ташқаридаги радио карнайлар олдида ҳам тўп-тўп одамлар. Юз-кўзларда эҳтирослар алангаси ловуллаб ёнаётгандай...

Бир ҳафта аввал ҳам зал тумонот одамга тўлганди. Йиллик ҳисобот йиғилишида хўжаликнинг 35 йиллик раиси Шамси Назаров шаънига аччиқ-тизиқ гаплар айтилди. Унинг ўрнига бошқа кишини сайламоқчи эдилар. Аммо йиғилишни олиб борган Пахтачи район ижроия комитети раиси И. Жўрақулов бунга «журъат» эта олмади. У ошкоралик ва қайта қуриш замонида бўлаётган эндиги мажлислардан ҳар нени кутган бўлса-да, вазият бундай тус олади, деб сира ўйламаганди чоғи.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам у раис сайловини бошқа кунга қолдиришдан бўлак чора тополмади. У маслаҳатлашиши керак эди. Норозилик алангаси, эҳтирослар тошқини сарҳадларни буза бошлади. Райондаги биронта алоқа бўлими қабул қилмаган норозилик телеграммаси барибир Тошкентга, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига етиб келди. «Демократик сайлов қўпол равишда бузилди. Бизга ёрдам беришларингизни сўраймиз» дейилганди унда.

Хўш, нега шундай бўлди? Нега ижроқўм колхозчиларнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмади. Ахир бугун замон ўзгарди — «инсон онгидаю, замон қаърида буюк инқилоб давом этаётир», одамлар ҳақ-ҳуқуқини танимоқда. Аммо маъмуриятчилик услуби ҳам жон сақлаш умидида.

Шу ўйлар билан Хуморга етиб борганимда мажлис бошланишига ярим соатча вақт қолган эди. Хўжаликни, унинг раиси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаровни биринчи кўришим. Унинг кўксида уруш қатнашчиси нишони. Одми кийинган. Биз тасаввур этган миллионер раисларга сира ўхшамайди. Кейин билишимча Шамси ака Пахтачи район уруш ветеранлари Советининг ҳам раиси экан. Кўп ўтмай район партия комитетининг биринчи секретари Абдураҳмон Шарипов етиб келди. Салом-аликдан сўнг Шамси ака бугун истеъфога чиқмоқчи эканлигини маълум қилди. Ижозат беринглар, мажлис аввалида халққа шу фикримни айтай, деди. Шунда биринчи секретарь беихтиёр ўрнингизга кимни маъқул кўрасиз, деб сўради. Шамси ака бироз ўйланиб:

— Халқ кимни сайласа шу. Лекин, менга қолса, РАПО раиси Номозов бўлгани тузук, — деди. — Теплицани битказишда ўзим бош-қош бўламан, қолган қўрғонлару мактабга ҳам! Эҳҳе қанча қурилишлар бошлаб қўйганман...

Нимадандир раиснинг кўнгли безовта эди. Шу орада кимдир халқ «Шукуровни сайлаймиз» деб оёқ тираб туришганини айтиб қолди. Шукуров райком партия комиссияси раиси, Номозов эса РАПО раиси — иккаласи ҳам шу колхоз фарзандлари.

Назаримда, биринчи секретарь икки ўт орасида қолгандай эди. Унинг бир кўнгли кўп йиллик машҳур раисни, уруш қатнашчисининг кўнглини чўктирмаслик... Лекин халқнинг иродаси-чи? Демократия-чи?

Демократия энди тетапоя қадам ташлаяпти. Янги шароитга қийинчилик билан кўникяпмиз. Афтидан ҳали қўлимизни нималардир боғлаб турибди. Секретарнинг бир қарорга келишига ҳам назаримда шу нарса халақит берди. Яна эски услублар ишга тушди. У Шукуровни дараклатди. Унга райком раисликка Номозовни тавсия этяпти, сиз нима дейсиз, дея синовчан назар ташлади.

— Жуда яхши...

— Халқ сизни ҳам раис бўлсин дейишаётган экан.

— Йўқ-йўқ!.. Мен отвод бераман.

— Яхши, шундай қилганингиз маъқул.

●

КЛУБГА тумонот одам йиғилган. Райком секретари саҳна берисидаги кутиш хонасига колхоз активларини маслаҳат учун чақирмоқчи бўлди. Тўғриси, мен бу маслаҳат нега зарур бўлганини тушуна олмадим. Аммо халқ бунга кўнмади. «Йўқ, ҳеч кимни юбормаймиз. Ҳамма гап ошкора бўлсин», дейишди. Бошқа илож қолмаган эди. Мажлис бошланди. Райком секретари раисга сўз берди. Шамси ака қариб қолгани, соғлиги безовта қилаётганини айтиб, мени раисликдан озод қилинглар, деб илтимос қилди. Раис шу гапни айтди-ю.. зални қарсак тутиб кетди.

Бу гулдурос қарсакларнинг маъноси не эди? Миннатдорчиликми? Ёки раиснинг шу бир оғиз сўзини илҳақ кутган одамларнинг «дўпписини осмонга отишими?» Ҳар ҳолда буни бир оғиз сўз билан баҳолаш қийин эди. Лекин шу нарса аниқки, одамларнинг эрки, овози бўғилган жойда эртами-кеч барибир халқ асов дарёдек тошиб, бандларни бузиши турган гап. Лекин ҳали бу йўлнинг сабоқлари кўп...

Раиснинг истеъфоси-ку шу тариқа қабул қилинди. Аммо унинг ўрнига район партия комитети тавсия этган РАПО раиси А. Номозов номзоди эълон қилинганда залнн ғала-ғовур босиб кетди. Одамлар «йўқ, бўлмайди» дейишарди дангаллик билан, «Шукуров бўлсин, Шукуров!» деган овозлар янграрди. Шу чоғ Шукуровга сўз берилди ва у: «Ишончларингиз учун раҳмат. Мен раисликка ўзимдан кўра Номозовни муносиб биламан. Ўз номзодимни эса қайтариб оламан», — деди. Аммо халқ бунга кўнмади. Бутун зал якдиллик билан жўр бўлиб фақат «Шукуров, Шукуров, Шукуров» дерди. Одамларни дарёдай тоширган кучли оқимга қарши бориб бўлмасди. Райком секретари ҳам баногоҳ буни англаб етди-ю, хатосини тузатди.

Юз фоиз овоз билан Шавқиддин Шукуров раис этиб сайланди. Правление аъзолари ҳам ана шундай баҳс-мунозара, ошкора танқид билан сайланди. Правление аъзоларининг деярли барчаси, барча бош мутахассислар ўзгартирилди. Халқ бор мақсадига эришди-да, деб ўйладим. Лекин ҳали мажлис сира тугаётганга ўхшамасди. Залдан: «Эски раис ҳисоб берсин!» деган хитоблар эшитилди. Одамлар бири олиб, бири қўйиб, бир-бирига гал бермай эски раиснинг хатоларини айта кетишди:

— Нега колхозчининг чўнтагида, колхознинг кассасида бир мири ҳам йўқ?

— Уч ойдан бери тийин ҳам олмадик.

— Нега колхозни ўтирғизиб қўйди?

— Нега марказдан бошқа қишлоқларда газ, водопровод йўқ?

Ҳамма ўз дардини тўкиб соларди. Назаримда, Шамси аканинг ўзи ҳам ўтган йиллар орасида одамлардан нечоғлик узоқлашиб кетганини илк бор ҳис қилди...

Бир аёл сўз сўраб чиқди. (8-бригада аъзоси Норгул Очилова): — Эрим ўлган, тўртта болам бор. Колхоздан 1450 сўм қарзим бор эмиш. Уй қуришга ёрдамлашган пулни колхоз бўйнимга илиб қўйибди. Уни қандай тўлайман...

Ниҳоят, мажлис тугади. Оғир таассуротлар оғушида қолдим. Нега одамлар Шамси акадан юз ўгиришди? У қайси гуноҳлари учун бунчалар таъна-дашномга қолди? Эҳтимол, бир мажлис таассуротларининг ўзи билангина бунинг замирига етиш қийиндир. Янги раис Шукуров ва райкомнинг биринчи котиби Шарипов Шамси Назаровнинг қанчадан-қанча хизматларини айтиб ўтишди: Пионерлар саройи, 1,5 миллион сўм сарфлаб қурилаётган сузиш бассейни, спорт комплекси, теннис корти, «Хумор» ва бошқа янги посёлкалардаги 250 дан ортиқ типовой уйлар, янги мактаб, санаторий-профилакторий, теплица хўжаликлари, ҳаммом, сауналар... Наҳотки буларни раис фақат номига —сохта обрў қозониш учун қурган бўлса? Наҳотки бу иншоотлардан колхозчилар ва уларнинг фарзандлари баҳраманд бўлмаса? Нега одамлар узоқ йиллар ҳурмат-эътиборли саналиб келган раисга шердек ташланишмоқда?

Ўшандан буён шу ҳақда ўйлайман. Хумордан ҳам ҳар хил мактублар келиб турибди. Собиқ раис ўз хизматлари ҳақида ёзади. Унинг мухолифлари эса раис истеъфога чиққанига қарамай ҳамон унинг ортидан тош отишмоқда.

Ўша куни мажлисдан сўнг янги ва эски раис билан суҳбат чоғида эскисининг кўнглини кўтардим, янгисига муваффақият тиладим. Шамси аканинг юз-кўзига қараган одам унинг руҳий дунёсида юз бераётган бўронни англамаслиги мумкин эмасди. Шавқиддинга ҳам осон эмас. Халқ ишонч билдириб, катта кураш билан раисликка сайлаганидан хурсанд. Аммо унинг кўнглида ҳам ғалаён бор. Шамси ака амалга оширган ишларни мен ҳам уддасидан чиқаманми, деган ўй-ташвишда. Ахир бугун раиснинг камчиликлари билан бирга қанча фазилатлари ҳам айтилди-ку. Мен Хумор қишлоғининг қиёфаси ҳақида эшитиб, уни кўргим келган эди. Шу боис ҳар икки раисдан оғизга тушган иншоотларни кўрсатишни илтимос қилдим. Улар бундан хурсанд бўлишди. Аввал Хумор қишлоғини айландик. Бир-икки қаватли уйлар, ораста кўчалар, ҳовлилар. Маданий-маиший иншоотлар ҳам шундай узатсанг қўл етгудек.

Бундай уйлар ҳаммага ҳам етавермайди-ку, деган ўй хаёлимдан ўтди. Шамси ака буни сезгандай ҳайдовчи йигитга «ўғлим нариги қишлоққа — «Қизил қўшин»га ҳам бургин», деди. Сўнгра менга юзланиб, яна битта қишлоғимиз битай деб турибди, унда ҳам бу ердагидек барча қулайликлар бўлади. Бундан ташқари, хоҳлаган одамларга ер беряпмиз, кучи етганлар ўзи, пули борлар кооператив орқали уй қуриб олишяпти, деди. Хумордаги сингари бежирим уйларни, қурилаётган янги стадионни айланиб ўтар эканмиз, ўйладим: бу уйларда бундай роҳат қилиб, қаддингни кўтариб яшаганга нима етсин. Лекин олаётган маошинг рўзғорни эплагани, бола-чақани боққани етмаса-чи? У ҳолда бу гўзалликнинг бир чақалик қадри қоладими? Одамларни ғалаёнга олиб келган нарсанинг бир жиҳати шунга боғлиқ эмасми?

Иккинчидан, колхоз катта — мингдан ортиқ хўжалик яшайди: аввало ҳаммани бундай уйлар билан таъминлаб бўлмайди, қолаверса, уй тегмаганларнинг ҳаммаси ҳам ўз кучи ё кооператив йўли билан обод уй қуришга қурби етмайди-ку!

Эски раисга савол назари билан қарайман. У киши эса бошқача изоҳлайди: режамиз ҳаммани шундай уй билан таъминлаш. Аммо одамларга ҳайронман. Колхоз ҳисобидан қурилган янги уйнинг калитини қўлига топшириб, кўчгин десанг, ўғлини ё қизини кўчиради-да, ўзи эски қўрғонида қолаверади. Шундай қилиб бу хутор ўлгурни тугатолмаяпмиз. Мен ҳаммани янги қишлоқларга кўчириб, эскиларини бузмоқчи эдим. Лекин булар кўнишмайди.

Ғалаённинг бош сабабини англаб етгандай бўлдим. Одамлар мажлисда ҳам шу хусусда: раиснинг эски қишлоқларга газ ва водопровод ўтказишга қарши бўлганлиги хусусида ёзғиришган эдилар.

Ким ҳақ? Ҳаммани марказий обод қишлоқларга кўчирмоқчи бўлган раисми ёки эски, жин кўчали қишлоқларини кўзи қиймаётган одамлар? Кеча раис ҳақ эди. Бугун одамлар! Негаки, турғунлик йилларида партиянинг хутор системасини тугатиш деган қарори бор эди. Бугун мол-ҳол ва ердан ажраган халқ ночор яшаётганининг бир жиҳати мана шу кўрсатмага бориб тақаляпти. Бу қарор туфайли Россия, Украина, Белоруссияда қанчадан-қанча қишлоқлар ҳувиллаб қолди. Одамлар майда қишлоқлардан совхоз ёки колхоз марказига эмас, бир йўла шаҳарларга, саноат марказларига кўча бошлади. Рус, украин, белорус деҳқони шу тариқа ердан ажраб қолди. Нафақат ерни, улар умуман деҳқончилик касб-корини унутдилар. Ишчилар синфи сафини тўлдирдилар. Соатбай иш, юқори маош, шаҳар шароити... Россиянинг индустриал марказлари шу тариқа тез ривожланди. Хомашёни, озиқ-овқатни эса бошқа зоналар, масалан Ўзбекистонга ўхшаган республикалар етказиб беравердилар. Шаҳар меҳригиёси уларни — марказий зонада яшаб келган рус, украин, татар фарзандларини ўзига шундай ром қилдики, улар Россия ва Украина индустрия марказларидан жой ололмагач, Қозоғистон ва Болтиқбўйи, Кавказ ва Ўрта Осиё республикаларига ёғилиб келишди. Бу шаҳарлардаги ишчилар синфи сафини бир неча баробар тўлдирди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ҳа, шаҳар меҳригиёси уларни ўзига шу қадар ром қилиб олдики, энди ҳеч ким ҳувиллаб эгасиз қолган қишлоқларга, ўзининг она ерига юз буришни истамайди. Буни, яъни русларнинг, уларга қўшни яшаётган бошқа халқларнинг умуман деҳқончиликдан чиқиб кетганини рус адиблари марказий матбуот саҳифаларида жуда ҳаққоний кўрсатиб ўтдилар.

ШАМСИ АКАНИНГ колхозчилари эса Хуморингга бормайман, керак бўлса, газни ҳам, водопроводни ҳам шу ерга олиб келиб берасан, деб тўғри қилишади. Бугун бу талабга қулоқ осмай бўлмайди. Шамси ака ҳар қанча уддабурон, ҳар қанча илғор, ҳар қанча куюнчак бўлмасин, 35 йиллик раислиги давомида раҳбарликнинг барча ижобию салбий жиҳатларини ҳам ўзига сингдирган. Буни тан олмасликнинг иложи йўқ. Хутор системасини тугатиш сиёсатига берилиб, раис кўп яхши ишлар ҳам қилди: обод қишлоқлар қурди. Яхши ишларининг яна бир жиҳати эски қишлоқларини ўша урра-урра йилларда бирданига йўқ қилиб юбормади. Колхоз қаддини тиклаб олгач, аста-секин йўқотишга киришди. Камчилиги эса бугунга келиб партиянинг ўша сиёсати хато эканлиги, давр у қарорни бекор қилганини англаб етмади. 35 йиллик раис ва унинг қўлида лом-мим демай ишлаб келган одамлар ўртасида шу заминда зиддият келиб чиқдию, у катта кучга айланиб бошқа бўлар-бўлмас нарсалар, майда адоватлар ва хатою камчиликларга қўшилиб, хуморликларни бош кўтаришга олиб келди. Бу даврнинг сабоғи.

Шу сабоқлар ҳақида ўйлайман-у, яна одамларнинг шикоятлари хаёлимдан кетмайди. Халқ «Маошимиз рўзғорни тебратишга етмаяпти. Уч ойдан бери уни ҳам олмадик», деяпти. Ҳақли талаблар. Аммо бунга баъзи колхозчилар ўйлаганидек, раис амалга оширган қурилишлар сабабчими?

«Коммунизм» колхозининг асосий деҳқончилик соҳаси пахта. Раиснинг колхозчилар даромади билан боғлиқ айби бўлса, у ҳам мана шу пахта билан боғлиқ. Пахта майдонларини ўз хоҳиши билан қисқартира олмаслиги, унинг ўрнига даромадли соҳаларни яна ҳам кўпроқ жорий этаолмаганлиги билан боғлиқ. Ҳалиям бошқа ўнлаб, юзлаб хўжаликларга қараганда бу борада Шамси ака кўпроқ ишларни қилиб улгурибди. Улкан чорвачилик комплекси, катта теплица хўжалиги — булар колхоз даромадининг бир чеккасини кўтариб турибди. Аммо барибир пахта монокультура сифатида фақат «Коммунизм»нинг эмас, республиканинг юзлаб хўжаликларида иқтисодга, халқнинг моддий турмуш даражасига тушов бўлиб ётибди. Лекин шунга қарамай, барча хўжаликларда унинг раҳбари ишига ҳамон пахтага қараб баҳо беришади. Қани пахта майдонини камайтириб, унинг ўрнига бошқа даромадли соҳани — колхозчининг қорнини тўқ, устини бут қилиши мумкин бўлган соҳаларни ўз хоҳиши билан жорий этиб кўрсинчи, партбилети билан жавоб беради. Ҳали деҳқон ўз ерига хўжайинлик ҳуқуқини тўла қўлга киритгани йўқ. Бу гаплар энди бўляпти... Энди пахтани онгли равишда камайтириб, аста-секинлик билан қисман бошқа соҳаларга ўтайлик, дейилмоқда. Лекин бу йўлда ҳали озмунча бюрократик тўсиқлар тургани йўқ. Пахта камайса, халқ беиш қолади, даромади тушиб кетади, деб ёлғон айтаётганлар учраб турибди.

Узоқ йиллар мобайнида халқнинг номидан гапириб келдик. Қўйинг, бугун гарчи ошкоралик, демократияга унчалар тайёр бўлмаса-да, гоҳ адашиб, гоҳ хатолар қилса-да, ўша халқнинг ўзи гапирсин. Хуморда бўлгани сингари бутун эл бўлиб, бир ёқадан бош чиқарсин.

Колхозчиларнинг Шамси Назаровга муносабатида ҳам мана шундай тўғри ва янглиш тасаввурлар йўқ эмас. Масалан, раис ўтган йили даромад бўлсин деб эккан пиёзларини ўрнига қўйиб реализация қилолмабди. Ҳолбуки, шу йил айни қиш кунлари Украина хўжаликларида пиёзнинг ҳар килосига тенгма-тенг картошка сотишган. Бизда эса шу йил қишда картошканинг нархи 1—1,5 сўмга чиқди. Қовун-тарвуз, узум ва бошқа сабзавот-мевачиликдан ҳам ўхшатиб даромад олишни ўрнига қўя олмабди. Шамси ака, яна юзлаб хўжалик бошлиқлари бу борада халқ олдида қарздордир. Бугунги ҳаёт тарзимиз, партия сиёсати ва халқ эҳтиёжи яхши яшашнинг мана шундай иқтисодий механизмларини моҳирона эгаллашни кун тартибига қўймоқда. Ш. Назаров тадбиркор раис сифатида буни эртароқ англаши зарур эди. Лекин раис керак бўлмаган ҳар хил қурилишлар қилиб, халқнинг пулини кўкларга совурди деган гапларга эса асло қўшилиб бўлмайди. Билмадим, раисни бугунги эҳтиёжлардан орқада қолган раҳбар сифатида ҳар қанча айблаш, қоралаш мумкиндир. Аммо у қурган иншоотлар учун беҳурмат қилишни, у яратган гўзалликлар устидан мағзава ағдаришни ақлга сиғдириш қийин. Биз истаймизми-йўқми бу бинолар унинг келажакни ўйлаб иш тутганлигини кўрсатиб турибди. Унинг қаттиққўллиги, баъзан шафқатсизлиги, халқ билан бемаслаҳат ўз билганини қилишга одатланиб қолгани эса юракни тирнайди. Одамларни раисдан юз ўгиришга олиб келган нарса ҳам назаримда — шу!

Пахтачида бўлганимда шулар ҳақида ўйладим. Уларнинг асосан қуруқ нон-чой ва ёвғон овқатдан иборат тирикчилиги билан танишганимда умуман республика дала меҳнатчисининг топиш-тутиши ҳақидаги маълумотларни ахтардим. Ўртача ойлик даромад 132 сўм экан, 6—8 фарзанди бор ўн жонлик оила гўштнинг ҳар килосига 8 сўмдан пулни қаёқдан олсин. Ахир қозон битта гўштнинг ўзи билан қайнамайди-ку. Пахтазорлар қисиб қўйган қишлоқларда эса сабзи билан картошкаю, мева-чеванинг нархи Московдагидан ҳам қиммат.

ҲАМОН ҚУЛОҚЛАРИМ остида бева Норгул Очилованинг ноласи акс садо бериб турибди. Ўз фарёдини эл дарди бўлиб тўкиб солган бу оддий фуқарони кўз олдимга келтирганда катта минбарда деҳқонга ўргатмаган ким қолди, дея жунбушга келган «мутахассис»ни, кечаги совуқ эл ризқи-насибасини ер билан яксон қилиб кетган далалардан оғзига сиққанча неъмат беришга ваъда айлаган манқуртларни ўйладим.

**Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,**
**Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.**
**Нимасан! Қандайин сеҳрли кучсан!**
**Нечун томошага бунчалар ўчсан!**
**Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,**
**Қачон халқ бўласан, сен эй, оломон!!**

Пахтачида халқни оёққа турғазганларни эса мен сира оломон, дея олмайман. Улар халқнинг ўзи эди. Халқ ўзига чинакам ғамхўр, куюнчак раҳбарни, бошига қилич келса ҳам хиёнат қилмайдиган, мансабидан ажралишдан қўрқиб эл манфаатидан кечмайдиган асл ишбилармонларни топиб олиши учун ҳамма хуморликларга ўхшаб ҳақ-ҳуқуқини танимоғи даркор.

Мен сизга ҳавас қиламан, уйғонаётган одамлар!

Мурод АБДУЛЛАЕВ

# «ДАРОМАД ВА БУРОМАД»

**Газетамизнинг шу йил 17 февраль сонида «Даромад ва буромад» сарлавҳали давра суҳбати эълон қилинганди. Унда республикамизнинг таниқли олимлари, мутахассислари ва адибларининг пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаклари баён этилганди. Суҳбат кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Редакциямизга турли касб эгаларидан кўплаб мактублар кела бошлади. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.**

●

Суҳбатда бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири кўтарилган. Айниқса, иқтисод фанлари докторлари Р. Ҳусанов ва М. Абдусаломовнинг мулоҳазалари асослидир. Иллатнинг олдини олиш учун ҳозирданоқ жиддий ишга киришиш лозим. Борди-ю, фақат бугунни ўйлаб яна бир-икки йил сусткашлик қилсак, аҳвол баттар оғирлашади: ерларимиз мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолади. Иккинчидан, Ўзбекистон Иттифоқимизда фақатгина асосий пахта базаси эмас, балки бошқа регионларни мўл-кўл мева-чева, сабзавот маҳсулотлари билан таъминловчи республика ҳам ҳисобланади. Буни унутмаслигимиз керак.

Менга Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг бошқарма бошлиғи Р. Назаровнинг жавоблари маъқул бўлмади. Сабаби — у киши ўзини гўё пахта майдонларини камайтириш тарафдори қилиб кўрсатган-у, аслида эса пахтадан бўшаган ерларда етиштирилажак бошқа маҳсулотларни реализация қилолмаслигимизни, сақлай олмаслигимизни, қисқаси, пахтани кескин камайтиришга тайёр эмаслигимизни рўкач қилиб, таниқли олимларнинг ва зиёлиларнинг фикрларини инкор этган. У, шунингдек, СССР Давлат план комитети томонидан бу йил республикамизга 1 миллион 710 минг тонна пахта толаси етказиб бериш вазифаси топширилганини қайд этади-ю, бундай номутаносибликка қарши бонг урмайди. Пахтанинг харид нархини ошириш масаласида ҳам кўпчиликка таниш фикрларни такрорлашдан нарига ўтмайди. Турган гапки, қуруқ гап билан халқнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаб бўлмайди.

Е. ТОЖИЕВ,
филология фанлари номзоди

●

Суҳбатда бирорта ҳам академик пахта майдонларини қисқартириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб бера олмади, деган фикр билдирилибди. Таажжуб! Бу муаммони академиклар илмий жиҳатдан асослаб бера олмаган бўлсалар ҳам, оқибати аниқ ва равшан кўриниб турибди-ку. Бизни боқаётган, кийинтираётган еримизни асраб-авайлаш, эртани ўйлаб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми? Токайгача айрим кишиларнинг ўйламай-нетмай қилган ишидан меҳнаткашлар жабрситам чекади?

Деҳқон фақат оғизда ёки қоғозда эмас, амалда ернинг ҳақиқий эгаси бўлиши керак. Инсон ўз меҳнатининг самарасидан тўла баҳраманд бўлмаса, яхши еб-ичмаса, дам олмаса, фақат оғир иш қилаверса, яшашдан нима маъно қолади?

Тоҳир ТЎХТАСИНОВ
Фарғона

●

Ҳақиқатан ҳам, бутун мамлакатни кийинтираётган, тўйдираётган деҳқоннинг меҳнати тўғри баҳоланаётгани йўқ. Бинобарин, пахтанинг харид нархини тезроқ ошириш лозим. Айни пайтда пахта майдонларини қисқартириш, планни камайтириш керак. Сабаби — ҳурматли олимларимиз, адибларимиз тўғри таъкидлаганларидек, пахта туфайли қишлоқ меҳнаткашлари мева-сабзавотни, чорвачилик маҳсулотларини Иттифоқ миқёсидагидан анча кам истеъмол қилмоқдалар. Оқибатда турли касалликлар кўпаймоқда. Болаларимиз жисмонан заиф, камқувват бўлиб қолмоқдалар. Бу ҳол боғ-роғларни, сабзавот-полиз майдонларини кўпайтиришни, шу билан бирга қишлоқ аҳлининг маданий-маиший шароитини тубдан яхшилашни тақозо этади.

Афсуски, бизда ҳозирча бу масалага етарли эътибор берилмаётир. Бир мисол: яқинда Беруний район Будённий номидаги совхозда бўлдим. Қаранг: ўтган йили 4300 тоннадан зиёд пахта етиштирган совхозда атиги биттагина радиокарнай бор экан. Қишлоқ одамлари лоақал 100 километр нарида жойлашган Нукус телевидениеси кўрсатувларини томоша қилиш имконига эга эмас эканлар. Табиий газ йўқ. Инсон омили деймиз-у, яна планни — пахтани биринчи ўринга қўямиз.

Яна бир гап. Республикамизнинг кўплаб колхоз-совхозлари чорвачиликдан катта моддий зарар кўради. Оқибатда пахтадан олинган фойданинг бир қисми зарарни қоплашга сарфланади. Бунинг кимга фойдаси бор? Менимча, ҳар бир районда чорвачиликка ихтисослаштирилган алоҳида совхоз ёки комплекс ташкил этиб, қолган барча хўжаликлардаги молларни шу ерда боқишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундай хўжаликлар озуқаниям, маҳсулотниям ўзлари етиштирсин, бошқалар эса деҳқончилик билан шуғуллансинлар.

Махсет МУХАНОВ,
журналист

●

Ҳозир давлатга валюта келтирувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар даромаднинг 96 фоизини сўм ҳисобида олсалар, тўрт фоизини валюта ҳисобида ўз балансларига ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар шу тўрт фоиз орқали келадиган инвестицион пулнинг 70 фоизини иш қуролларини модернизациялаштиришга, меҳнат шароитини қулайлаштиришга сарф қилишлари мумкин. Қолган қисми эса ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший ҳаётларини яхшилаш учун мўлжалланган. Энди савол туғилади: агар Ўзбекистонда етиштириладиган пахта толасининг тахминан ярми чет элларга валюта эвазига сотилишини назарда тутсак, бизнинг деҳқонларимиз ҳам валютадаги даромаднинг тўрт фоизини ўз ҳисобларига ўтказишлари керак эмасми? (Албатта, бу ўринда пахта тозалаш заводлари хизматчиларининг меҳнатини ҳам кўздан қочирмаслик зарур). Шу маблағни пахтакорларнинг меҳнат шароитларини ва маданий-маиший ҳаётларини яхшилаш учун сарфлаш ўринли бўлмайдими?

1987 йилги ўрта толали пахтанинг жаҳон бозоридаги энг паст нархи (бир тонна тола 1360 доллар) бўйича («Конъюнктура капиталистического хозяйства и основных товарных рынков 1987 год» — Бюллетень иностранной коммерческой информации, №3, 1988,) ҳисоблайдиган бўлсак, давлатимиз ўтган йили Ўзбекистонда етиштирилган пахта эвазига 1 миллиард 142 миллион 400 минг доллар даромад олади. Бунинг 4 фоизи эса 45 миллион 696 минг долларни ташкил этади. Шу пулнинг қанчаси пахтакорлар меҳнат шароитини ва турмушини енгиллатишга сарфланиши мўлжалланяпти? Менимча, ошкоралик замонида бу маълумотни билишни бизга ҳеч ким ман этмаса керак.

Озод МЎМИН
Тошкент

●

Биз СССР Енгил саноат министрлиги мутасаддиларининг ва айрим мутахассисларнинг пахта плани қисқартирилса, деҳқонларнинг даромади пасайиб кетишидан ташвишланиб, «ғамхўрлик» қилишларига муҳтож эмасмиз. Улар нима учун бундай ғояни илгари сураётганликларини ҳаммамиз тушуниб турибмиз. Ҳолбуки, айрим ташкилотларнинг манфаати умумхалқ манфаатидан устун бўлмаслиги керак. Биз озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл бўлишини, болаларимиз соғлом-дуркун ўсишини, табиатимиз мусаффо бўлишини истаймиз! Мана шулар биз учун энг катта бойлик — энг юқори даромаддир.

Шавкат ХОЛБЕКОВ
Самарқанд

## Акс садо

●

Менинг ёшлигим далада ўтаяпти. Қишлоғимизнинг ҳамма томони пахтазор. Ота-онамга ёрдам бўлсин, деб, саратон жазирамасида бўйим тенги кетмон кўтариб далада ишлайман. Кузда пахта тераман. Иш ҳақимиз эса маълум. Ёзда сояда, қишда иссиқда ўтириб тайёр пахта хомашёсидан маҳсулот ишлаб чиқарадиган ишчилар деҳқонга нисбатан анча кўп ҳақ олади. Нима учун шундай? Ҳали ёшман, буни тушунмайман. Аммо бир нарсага ақлим етади. Ҳозир кўплаб хўжаликларда оила ва ижара пудрати жорий этиляпти. Шу кетишда бир неча йилдан кейин қишлоқларда ишсизлар сони кўпайиши тайин. Зеро, колхоз-совхозларда пахтани қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар қурилса, айни муддао бўларди. Шунингдек, қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кўпайтириш лозим. Бизнинг қишлоқда эса на клуб, на ҳаммом, на сартарошхона, на болалар боғчаси бор. Қолганини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Абдуваҳоб БОЛТАБОЕВ,
Бекобод районидаги 44-мактаб ўқувчиси

●

Давра суҳбатини ўқиб, ўйланиб қолдим. Хўш, қачонгача баҳслашамиз, қачонгача мунозара қиламиз? Ундан кўра деҳқоннинг турмуш тарзини тезроқ яхшилаш йўлларини қидирсак бўлмайдими?

Ўтган йили бригадамизда оилавий ва звено пудрати жорий этилганди. Эвазига анча йиллардан буён бажарилмаган план ортиғи билан уддаланди. Лекин ҳисоб-китобга келганда барчамизнинг ҳафсаламиз пир бўлди. Масалан, бизнинг оиламиз шартномага кўра 6,75 тонна пахта топшириши лозим эди. Кузга келиб бу кўрсаткични 7,69 тоннага етказдик. Лекин меҳнатимизга яраша ҳақ ололмадик. 4761 сўмлик даромаддан атиги 768 сўми қўлимизга тегди. Бу маблағ вояга етмаган етти фарзанди бор оила учун нима бўлади?

Колхоз раҳбарлари пудратдан бошқа ишлар учун ҳам оилавий пудратчилар маошидан чегириб қолишди. Ҳолбуки, бригадада тупроқ ишлари, дарахтларни кузаклаш, ферма ҳовлисини тозалаш, ток кесиш, ишлов бериш каби ишлар текин бажарилганди. Бундан ташқари, шахсий секторлардан гўшт йиғиш баҳонасида ҳар биримиздан 50 сўмдан, жами 1500 сўм пул йиғиб олишди. Эътироз билдирганларга беда берилмайди, деб дўқ-пўписа қилишди. 50 сўмдан тўлаганларнинг ойликларидан ҳам яна 17 сўмдан уриб қолишди.

Бундай ноҳақликлар бошқа хўжаликларда ҳам учрайди. Билмадим, биз деҳқонларнинг ҳалол пешона тери эвазига топган ҳақини олиб беришга ким ёрдам бераркин?

Сулнжон ХУДОЙҚУЛОВ,
Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхози

●

Қишлоқларимиз ҳаёти анча мураккаб. Баъзи оилалар 5—6 кишилашиб далада ишлайди. Аммо ҳафтада 2 килограмм гўштни ҳам осонликча тополмайди. Қишни ғўзапоя билан ўтказаётганлар, болаларини дурустроқ кийинтириш учун пул топа олмаётганлар қанча? Қишлоқ болаларининг аксарияти ноябрдан то тут пишиғигача олма, узум, анор, қовун каби сервитамин ноз-неъматларни деярли тановул қилмайди. Асосий овқатлари нон ва чой. Устига-устак уйда мол боқиш учун ем-хашак йўқ. Томорқаларнинг асосий қисми чорва экинлари билан банд. Бу ҳоллар партия ва ҳукуматимизнинг кейинги пайтларда қабул қилинган қарорларида кескин танқид қилинди, шароитни яхшилаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Лекин натижа қани? Деҳқон томорқасини ривожлантиришга, шахсий хўжаликларда чорва маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар етиштиришни кўпайтиришга қачон амалий ёрдам кўрсатилади?

И. БЕРДИЕВ
Қизилтепа

●

Бизнинг районимизда пахта экилмайди. Тоғли жой. Ҳавоси мусаффо. Чорвачилик ривожланган. Пахта майдонлари, заҳарли химикатларга түйинган далалар биздан узоқда. Лекин, шунга қарамай, районимизда болалар ўлими кўп. Сариқ касали билан оғриганлар ҳам анчагина. Негаки, аввало «текин дастёрлар» ўқувчилик пайтларида пахта ҳашарига бориб, ўша кимёнинг таъмини тотиб қайтишган. Иккинчидан, кундалик овқатимизга ишлатилаётган пахта мойининг тозалигига, таркибида заҳарли химикатлар йўқлигига ким тўла кафолат бера олади? Демак, пахтачиликни ривожлантиришни инсон соғлиғини, табиатни муҳофаза қилиш масаласи билан уйғун равишда режалаштириш лозим.

Яхшилик ТЎРАҚУЛОВ
Нурота

●

Кейинги пайтларда пахта яккаҳокимлиги оқибатларини тугатиш ҳақида турли давраларда, матбуотда қизғин баҳс-мунозаралар бўляпти. Бироқ бу борадаги баъзи фикрлар кўпчиликка тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Аниқроғи, айрим раҳбарларнинг ва олимларнинг мулоҳазалари ғайри-табиийга ўхшайди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, кўп йиллик тажриба фойдаланиладиган барча майдонларда алмашлаб экишсиз пахта етиштирилгандагина республиканинг максимал пахта топшириш имконияти 5 миллион тонна атрофида бўлиши мумкинлигини кўрсатган эди. Ҳозирги кунда мутахассислар, раҳбарлар алмашлаб экиш ҳақида бонг урмоқдалар. Бу яхши. Лекин қоидага кўра 30 фоиз ерни алмашлаб экиш жорий этилса, республиканинг реал пахта плани 3,4 миллион тоннага тўғри келади. Бундан ташқари, бошқа озуқа экинлари ўз плани асосида экилса, яъни уларнинг ўрнига қўшимча пахта экилмаса, бу миқдор 3 миллион тонна атрофида бўлади. Бас, шундай экан, мутахассисларимиз ва олимларимиз қандай омилга ишониб пахта планини 5 миллион тоннадан туширмаслик керак демоқдалар. Ахир, биз планни 5 миллион қилиб белгиласак, турғунлик давридаги 6 миллион тоннанинг мавҳум бўлган, аниқроғи қўшиб ёзилган қисминигина камайтирамиз, холос. Аввалги план эса ўзгармай қолаверади. Демоқчиманки, келгусида турғунлик давридаги каби нохушликларга йўл қўймаслик учун пахта планини 3,5—4 миллион тоннага келтириш лозим. Шундагина республикамизда пахтадан ташқари кўплаб мева-чева, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қулай имкониятлар туғилади. Алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилади. Маълум вақт ўтгач, ерларимизнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, пахта ҳосилдорлиги ошади. Шу тариқа планни кўпайтириш ҳам мумкин бўлади.

Маъруф ИКРОМОВ
Тошкент

●

Пахта яккаҳокимлиги туфайли халқимиз кўп жабр чекди. Пахта туфайли энг кам гўшт истеъмол қилаётган халқ ҳам бизнинг халқимиз. Пахта деб энг кўп эзилаётган болалар ҳам бизнинг болалар. Энди улар оила пудрати туфайли мактаб исканжасидан оила исканжасига ўтди. Пахта туфайли бозор нарх-навоси осмонда. Қишлоқ районларига чиқсангиз, пахта далаларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз. Бир манбада ўқиган эдим. Республикамиздаги боғлар ҳозир 1917 йилдагига нисбатан 100 марта қисқариб кетибди. Тайин гапки, 4 миллион тоннадан ортиқ пахта бизга фақат ташвиш келтиради. Бу масалани кескин ҳал этиш, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйиш, шу асосда регионал ўз-ўзини таъминлаш принципига ўтишимиз шарт. Бунинг учун экологиямизга жиддий зарар етказадиган кимё заводлари ўрнига пахтани қайта ишловчи корхоналар қуришимиз зарур.

З. САЛИМОВ
Паркент

# ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИМИЗ

Ҳамма ҳам кундалик матбуот воситаларини интизорлик билан кутиб, газета-журналларнинг янги сонини ўз вақтида ўқишни истайди. Бу талабни қондириш алоқа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Лекин почтальонлар ҳар доим ҳам газета-журналларни аҳолига ўз вақтида етказиш талабини қондира олмайди. Шунинг учун ҳам баъзан обуначилар ҳақли равишда биздан ранжийдилар.

Мен ҳам алоқа бўлимида почтальон бўлиб ишлайман. Баъзан хат-хабар, телеграмма, газета-журналлар ўз вақтида алоқа бўлимига етказиб берилмайди. Бу эса одамларнинг эътирозига сабаб бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, алоқа бўлими ходимларига етарли шароит яратиб берилмаган. Почтальонлар иши осондек туюлса-да, бу ишнинг ўзига хос масъулияти, қийинчиликлари бор. Айниқса, қаҳратон қиш ва эрта баҳор ойларида

**Куюнчак газетхонлардан хатлар**

ишимиз қийинлашади. Биз почтальонлар қишлоқ жойларда ҳар куни юзлаб хонадонга газета, журнал, хат-хабарларни шахсий мотоциклимизда ёки велосипедда элтиб берамиз.

Ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилаётган алоқа бўлими хизматчиларининг меҳнати муносиб тақдирланаяптими? Йўқ. Ҳатто 15—20 йиллаб шу соҳада ўз шахсий транспортидан фойдаланиб келаётган почтальонларга бирон бир моддий ёрдам кўрсатилмаётир. Йил ўн икки ой мотоциклда юриш ҳам осон эмас, иккинчидан, ёқилғи, эҳтиёт қисмларга кетаётган маблағ оила бюджетига таъсир этиши ҳам сир эмас. Ушбу хатим газетада эълон қилинса, газетхонлар ўз мулоҳазаларини билдиришса яхши бўлар эди. Чунки почтальонларга ғамхўрлик қилиш, уларга етарли шароит яратиб бериш, меҳнатини қадрлаш вақти келди.

Ж. ҚОРАЕВ,
Олтинсой райони

# БЎЛМАСИН ЗОЛИМЛАР БИЗНИНГ ЗАМОН ИЧРА! 1989

Содирхон ВОҲИДОВ

## МУСИҚАВИЙ ТАФАККУР

ЎЗБЕК СОВЕТ музикашунослигида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди бир қадар ўрганилган. Таниқли музикашунос Ф. Кароматовнинг «Ҳамза ва ўзбек совет музикаси» китобида, санъатшунослик докторлари Т. Визго ва Н. Янов-Яновскаянинг йирик тадқиқотларида ва бошқа музикашунослар мақолаларида унинг музика асарлари чуқур таҳлил қилинган. Бугунги вазифа — Ҳамза ижодининг бастакор ва композиторга хос хусусиятларини аниқлаб беришдан иборат бўлмоқда. Чунки ҳозирги даврга келиб, «бастакор» ва «композитор» атамалари турли маънога эгалиги илмий жиҳатдан тўла исботланди.

Ҳамза мусиқий тафаккуридаги ўзига хослик, аввало, уни ижодкор сифатида майдонга чиқарган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит ва юксак орзунинг ифодасидир. Ҳамзани ижодкор сифатида ҳам инқилобий курашлар тарбиялади. Давр ҳужумкорликка даъват этди, шу билан бирга воқеликнинг бадиий инъикоси бўлмиш ўзбек адабиёти ва санъати тараққиёти жараёнида пишиб, етилиб келаётган танқидий реализм анъаналарини давом эттиришни топширди. Ҳамза ўз даври фарзанди. У ўз шахсида марксча-ленинча таълимотдан англашиладиган инсон, жамиятдаги хусусийлик ва умумийлик тушунчаларини диалектик бирлигини ижодида тўла намоён этади. Шунинг учун ҳам воқелик билан унинг руҳияти ҳамоҳанг акс садо беради. Давр Ҳамза ижодий ғоялари билан уйғунлашиб эрк ва озодлик учун чорловчи оҳанглар бўлиб янграйди.

Туркистон ўлкасини Россия босиб олганидан кейин ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда капитализм хусусиятлари пайдо бўла бошлади. Ўрта Осиёга Европа халқлари маданиятидаги илғор ғоя ва одатлар ҳам кириб келди. Хусусан, мусиқадаги анъаналар ҳам ўрганила бошланди ва туркий тилда сўзловчи қардош халқлар — татар, уйғур, озарбойжон қўшиқлари кенг тарқалди.

Ҳамза кўпроқ ўзбек мусиқасидаги янгиликларга ва қардош халқлар куйларига мурожаат қилди. Ўзбек халқи музикасининг зарб-оҳанг, жанр, шакл хусусиятларини замон руҳида янгидан идрок этди. Ҳамзанинг «Турсуной марсияси» асарида кўпроқ ички кечинмалар ифодаланадиган ўзбек халқ қўшиқлари оҳанглари садоланади, кўповозли профессионал музикадаги элегия жанри хусусиятлари сезилади. Бу қўшиқ ўзбек ашулаларида кам учрайдиган зарб усулларига эгалиги, ижро суръатининг салмоқдорлиги, муҳими, товушлар чўзилишининг мороми билан ажралиб туради. «Уйғонмоқ даврида», «Ишчи бобо» қўшиқларида татар, қозоқ, қирғиз куйларига, «Эски замон қизи» қўшиғида — озарбойжон музикасига ҳамоҳанглик сезилади.

Ҳамзанинг композитор даражасига кўтарилиб, замон руҳидаги оҳанглар воситасида, профессионал фикр юритиши «Атиргул» номли тўпламидаги қўшиқларда айниқса аниқ кўринди. Бу тўплам 1919 йилда яратилган. Ундаги қўшиқларда муаллиф инқилоб арафасида ўзбек халқ мусиқий тушунчасини бойитиб, халқ ижодида ниш ура бошлаган янгиликларни ўзлаштирган эди. Бу янгиликлардан бири — собиқ Туркистон ишчилари ўртасида кенг тарқалиб куйлана бошланган Европа халқ қўшиқлари намуналари эди. Улардан халқаро миқёсда тарқалганларига маҳаллий шоирлар шеърлар ҳам ёзишганди. Жумладан, Садриддин Айнийнинг «Ҳуррият марши» — «Марсельеза» қўшиғи оҳангида куйланарди.



Ҳамза шу мандолинада куйлар ижро этган.

Жаҳон кўповозли оммавий музикасининг айрим жанрлари хусусиятлари ўзбек халқ қўшиқларининг куйларига ҳам синга бошлаган эди. Бунга «Оромижон», «Жонон бўламан» деган қўшиқларнинг вальс усулидаги оҳанглари мисол бўла олади. Европа тиллари ва рус тилига хос айрим атамалар, ибораларнинг туркий халқлар турмушига кира бориши баробарида Ўрта Осиёдаги руслар куй ва қўшиқлари таъсирида ҳам ашулалар яратилди. Масалан, «Лўмлўм Мамажон» («Люблю Маджан») «Аршиллари, нахшиллари» шулар жумласидандир. Ҳамза «Атиргул» қўшиқлар тўплами билан ўзбек халқ музика ижодиётида бошланган ана шу жараённи жадаллаштирди. Муҳими, ўша давр учун хос оғзаки нутқни, зарбли оҳангларни ўзбек музикасининг усули, услуби, жанр ва шакл хусусиятлари билан омухталаштириб, инқилобнинг акс садоларини яратди. Бунда, воқеликни холис акс эттиришга ҳаракат қилинади. Шу омил тўпламдаги қўшиқлар оҳангларни, эмоционал образ ифодасининг асоси сифатида талқин қила бошланди. Оҳангларнинг айнан ёки ҳар хил шаклларда такрорланишида асосий образнинг замон руҳида камол топа бориши сезилади. Уларнинг таркибидаги ҳар бир ифодада шакл ва мазмун муштараклиги бор.

Ҳамза оташин инқилобчи, шоир ва драматург бўлгани учун ҳам ижодда ўз овози, жумладан, мусиқада ўз тафаккури бор. У аввало, воқеликка холис муносабатда бўлади, уни ҳаққоний ва самимий инкишоф этади, ижтимоий-сиёсий масалаларни дадил кўтаради. Оғзаки нутқ оҳангига Ҳамза юксак профессионаллик билан ёндашади. Аслини олганда, оғзаки нутқ оҳанги, маъноси ва мазмуни моҳиятнинг ташқи пардаси ҳисобланади. Нозик таъбли ижодкор қалб қўрини бағишлаб уни юксак туйғулар ифодасига айлантиради.

Йигирманчи йиллар ижтимоий ҳаётида даъваткор минбар нутқи муҳим аҳамият касб этган эди. Ҳамза қалбидан бу оҳанглар самимий ҳаяжон билан ажралиб чиқиб чуқур изтироб ва ҳиссиётлар садосига айланди.

Ҳамза инқилобий даврнинг фарзанди эди. Инқилоб ғалабаси, барқарорлиги учун у ҳаммадан кўпроқ ва кучлироқ дард чекарди. Ана шу кучли дардга мувофиқ оҳанглар излади. Бу оҳангларни у кундалик турмушидаги анъанавий куй ва қўшиқлардан, духовой оркестрлар маршлари, вальслар ва ишчилар революцион қўшиқларидан топди. Ҳамза «Ҳой, ишчилар», «Яша, Шўро!» каби қўшиқларини теран ҳиссий кечинмалар, катта изтироб билан, юксак профессионал композиторлик савиясида яратди. Бу қўшиқлар оҳанг тузилиши, усули, садоланиш тарзи жиҳатдан мутлақо янги кўповозли асарлардир. Масалан, «Ҳой, ишчилар» қўшиғининг куйи оҳангларидаги товушлар таркиби ва чўзими ўзгариб янги шаклда ривожланади: гоҳ мурожаат тарзида янграса, гоҳ вальс усулига тушади. Шунинг учун у анъанавий ашулалардагидек пастки товушдан эмас, балки авж бўлакларга тааллуқли пардалардан бошланади. Қўшиқ сўзидаги «ҳой» ундови, куй товушининг баландлиги мурожаат маъносини чуқурлаштиради. Худди шундай иккинчи сатрдаги «эзилган» сўзи ҳам алоҳида таъкидланаркан, композиторнинг халққа нисбатан меҳрибонлик ҳислари чуқурлашади.

«Яша, Шўро!» қўшиғи кўтаринки руҳдаги мурожаатга асосланган. У тантанали, айни пайтда мадҳиянамо, улуғвор ва хотиржам тарзда янграйди. Куй бўлакларининг шеърий сатрлар тузилиши ва оҳанг равишига мувофиқ ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол куйга — унинг таркиби, зарб усули, оҳанг сифатларини ўзгартириб, симфоник йўналиш бағишлайди.

ҲАМЗАНИНГ ИШИНИ 30-йилларнинг охирларида етилиб чиқа бошлаган композиторларимиз давом эттиришди. Уларнинг асарларида «Ҳой, ишчилар» ва «Яша, Шўро!» қўшиқларининг оҳанглари опера, симфоник поэма, симфониялар қаҳрамонларининг образларини тавсиф этувчи восита сифатида янграб, симфоник равишда ривожланди. Икром Акбаровнинг «Шоир хотираси», Тўлқин Қурбоновнинг «Ҳамза» симфоник асарлари, Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Собир Бобоевнинг «Ҳамза» операларидаги «Ҳой ишчилар», «Яша, Шўро!» оҳанглари асосидаги симфоник саҳифалар, ариялар, Евгений Живаевнинг эстрада симфоник оркестри учун ёзган фантазияси бунга яққол мисол бўла олиши мумкин. Бу — Ҳамзанинг композиторлик иқтидоридан далолатдир.

## ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ

### ҲАМЗА ВА ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

ИНҚИЛОБДАН КЕЙИНГИ янги тузум ва илғор сиёсий ғоялар ўзбек адабий тилининг янги тараққиёт босқичига киришини тақозо этмоқда эди. Буни Ҳамза ва унга замондош илғор фикрли ижодкорлар тўғри тушундилар, улар янги давр руҳига мос, халқчил адабий тил яратишдек улкан вазифани зиммаларига олдилар.

Ҳамза халқ тилига яқин адабий тил яратиш йўлидан борди ва классик ўзбек адабий тилини янги замон адабий тилимизга уловчи «кўприк» қуришда катта хизмат қилди. Эски ўзбек тилининг бой анъаналаридан фойдаланган ҳолда Ҳамза ўз асарларида шу давр халқ тилининг бойликларига мурожаат этди: оғзаки ижод хазиналаридан кенг фойдаланди, халқ тилидаги энг яхши сўз ва ибораларни сайлаб, адабий тилга киритди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай изоҳ беради: **«...шеърларда баъзи узун-қисқаликларни ҳамда адабиётдан йироқлиғини кўруб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми деювчи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун бўлса керак... Ҳақиқатда қасддан ўзбек тилида экан, биз**(асарларимизни — М.Қ.) **ўзбек тилига яқинлашдурмоқға киришдук».**

Адиб асарлари тилида янги турмуш, янгича онг ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлар пайдо бўлди. Шоир бунда аввало ўзбек тилининг ўз ички имкониятларига мурожаат қилди: тилда аввалдан истеъмолда бўлган **ҳуррият, санжоқ, ишчи, хизматчи, меҳнатчи, йўқсил, бой, эрк, иш эрлари, ишчи бобо, ёш кўнгуллар** каби сўз ва бирикмаларни янги маъноларда — сиёсий маъноларда ишлатди. Шунингдек, шоир ҳозирги тилимиздаги **революция** сўзи ўрнида **инқилоб, совет** ўрнида **шўро, республика** ўрнида **жумҳурият, коммунист** ўрнида **иштирокиюн, партия** ўрнида **фирқа, университет** ўрнида **дорилфунун, студент** ўрнида **талаба, секретарь** ўрнида **котиб, пионер** ўрнида **кашшоф** каби кўплаб сўзларни ишлатган эдики, булар мазкур русча-байналмилалча сўзлар ўрнини тўла боса оладиган халқ сўзлари эди. Аммо Ҳамзадан кейин бу каби матлуб сўзлар тилимиздан тушиб қолди. Бунинг сабаби — репрессия сиёсатининг миллий тилларга ҳам салбий таъсиридир. Миллий сиёсатда йўл қўйилган хатолар аждодларимиз асрлар давомида қўллаб келган ва янги турмуш тушунчаларига бемалол муқобил келадиган кўплаб сўзлардан маҳрум бўлишимизга олиб келди.

Ҳамза халқчил, реалистик методда ижод қилди, ана шу сабабли, у бадиий тилда халқчилликни сақлашга интилди. Реалистик бадиий асар тасвирланаётган воқеаларнинг, образ ва персонажлар нутқининг ҳаётийлигини талаб этади. Ҳамза бу талабга муваффақият билан жавоб берди.

Ҳамза адабий тилининг морфологиясида ҳам халқ тилига яқинлик юз берди: қўшимчалар шаклларидаги, ёзма адабий тил билан халқ жонли тили ўртасидаги фарқлар камайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сўз ясалиши, турланиш, тусланиш каби ҳодисаларнинг қолиплари асосан ундан бошланган.

Адиб қаламида ўзбек адабий тили синтактик қурилиши соддалашди. Классик насримизда анъана бўлиб келган мураккаб жумлалар ўрнини халқ тилига яқин содда, ихчам, ўйноқи жумлалар эгаллади.

Шоир илгари эътибордан четда қолиб келаётган бармоқ системасини қайта оёққа турғазди, бу — шароит тақозоси эди, чунки бармоқ системаси янги, кўламли ҳаётий воқеаларни бадиий тасвирлаш учун қулай восита эди. Бармоқ системасининг Ҳамза томонидан ривожлантирилиши ўзбек шеърий синтаксисини соддалаштиришга, умуман, ўзбек поэзияси имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Ҳамза ўзбек тили бадиий услубини сайқаллашга, имкониятларини бойитишга интилди. У эски ўзбек адабий тилида учрамайдиган «ишчиларни уйқудан уйғотмоқ», «маданият тарқатмоқ», «қора элларни оқартирмоқ» сингари оддий сўз бирикмаларини бадиий тилга олиб кирди, тилда образли ижтимоий қиммат яратиб, инқилобий ғояларни тарғиб этувчи тушунчалар даражасига кўтарди. Инқилоб куйчиси бўлган шоирнинг лирик қаҳрамони тилида **«Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар!», «Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!»** каби ундов ва чақириқлар, **«Яша Шўро, яша Шўро!»** каби инқилобий ҳаяжон хитоблари,

**Битди золимлар, қолди ирода!**
**Эркин яшагин сен ҳам дунёда!** —

каби ҳисга тўла тасдиқлар пайдо бўлди. Чунки шу давр ҳаётида кундаланг бўлиб турган ғоявий вазифалар давр шоиридан оташин чақириқ, ундов ва хитоб сатрлари битишни талаб қилар эди.

Шу ўринда Ҳамза шеърий услубига доир бир салбий қараш ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ўзбек филологиясида Ҳамзанинг

Ҳой, ҳой отамиз!
Тошни кесар болтамиз.
Замон келди ишчиларни
Уйқудан уйғотамиз...

Ҳар балога биз тўғримиз.
Қон чулғаган бошимиз.
Замон келди, кўтарайлик
Оёқ остидан бошимиз, —

каби услубдаги шеърларини **ўта содда, бадиийлик даражаси паст** дегувчилар ҳам топилади. Ваҳоланки, Ҳамза асарлари қимматини ўша давр тарозуси билан ўлчаш тўғри бўлади. Агар ўша давр ижтимоий тарозусининг бир палласига Ҳамза сўзлари ва ғояларини, иккинчи палласига шунча олтину кумушларни солсак, шубҳасиз, биринчи палла босиб кетади: Ҳамза яратган шеърият, у олға сурган янги ғоялар ўша давр учун олтину кумушлардан қимматлироқ эди.

Тўғри, Ҳамза ижодида халқ тилидан фойдаланишдаги улкан муваффақиятлар билан бирга, баъзи қусурлар ҳам йўқ эмас. Лекин бундай нуқсонлар эски адабий тилдан янги давр адабий тилига ўтиш «кўприги» устасининг кичик нуқсонлари эди, холос. Масалан, биргина «Партия мажлиси» драмасида **кондидот**(номзод ўрнида), **повистка** (кун тартиби), **особий отдел** (алоҳида бўлим), **мобилизация** (сафарбарлик), **военний** (ҳарбий), **агитатор** (ташвиқотчи) каби сўзлар персонажлар нутқида қўлланганлиги учун, муайян даражада, кечирарли бўлиши мумкин. Аммо Ҳамзанинг публицистик мақолаларида ва ёзишмаларидаги **ўқимишли** ўрнида **образованний, қиёфа** ўрнида **форма, асар** ўрнида **материал, сон** ўрнида **нумер** ёки **номер, истеъмолчи** ўрнида **потребитель, ишчилар инқилоби** ўрнида **рабочий инқилоб, уезд бошлиғи** ўрнида **уез начальниги** кабиларнинг қўлланиши сўз танлашдаги хатолар эди ва бу қусурни ҳам фақат Ҳамза шахсига боғлаб эмас, балки ўша давр ўзбек тили ҳолати даражаси билан алоқадорликда тушунишимиз тўғри бўлади.

МАЪЛУМКИ, шоир яшаётган ва ижод қилаётган даврда ўзбек адабий тилини яратишга доир турли оқимларнинг қизғин тортишувлари бормоқда эди. Ҳамза «сунъий тил» тарафдорларини халқ тилига суяниб ёзган ҳаётий, реал, гўзал, жўшқин асарлари билан мағлуб этди. Янги давр ўзбек адабий тили тараққиётини тезлаштиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Ҳамза бадиий тилини ўзбек адабий тилининг ривожланишидаги муайян бир босқич деб эътироф этиш керак. Машҳур рус тилшуноси В. В. Виноградовнинг «...шахсий бадиий ижоднинг услубида эски тилнинг анъаналари давом эттирилиши билан бирга, келажак миллий адабий тилнинг унсурлари айнан кўриниши мумкин. Улуғ санъаткорларнинг овозида бутун халқнинг овози эшитилиб қолади», — деган фикри ўзбек халқининг буюк санъаткори Ҳамза Ҳакимзодага нисбатан ҳам тўғри келади.

**Муҳаммаджон ҚОДИРОВ,**
**филология фанлари кандидати**



Ўзбекистон ССР халқ рассоми А. Абдуллаев. «Ҳамза».

Қармис ДУСАНОВ

## ҲАМЗА КЕЛАР ҚЎНҒИРОТНИНГ ЙЎЛИДА

### «ҚИЗИЛ ҚЎНҒИРОТ» ПОЭМАСИДАН

Қўнғирот — бу чўнг саҳронинг соқчиси.
Қиз-йигитнинг жўмардлари, яхшиси —
Қўнғиротнинг камолига тўлишар
Тили чечан, дили шоир, бахшиси.
Беш қалъанинг бири Қўнғирот десайдим,
Кам кетдим, деб дил четида — хавотир.
Халқимизнинг дадил ва алп ёшлари
Ой, қуёшга қулоч сирмаб ўсадир.
Гурсилларди ботир Қизил Қўнғирот,
Тўқайларда ҳаддан ошган жанг-барот,
Беш юлдузли манзил кўзлаб учади
Шамол қувиб етолмаган анов от.
Комсомоллар Қўнғиротга улоқда,
Қуйруқ, ёлин тараб, жўнаб бормоқда.
Болабойми, Мадиёрми — босмачи
Дириллайди кузги заҳил япроқдай.
Элга тарқаб Қўнғиротнинг хабари,
Мартабаси бўлаверди юқори.
Буни Ҳамза Хўжайлида эшитиб
Шу ён бурди жаҳонгашта сафарин
Ҳамза келар Қўнғиротнинг йўлида
Япроқ каби салом хат бор қўлида.
Бу қалъани кўрсам деган бир илинж
Йўлдош бўлиб юрган эди дилида.

Чимилдиқ очилди. Чоғроқ саҳнада
Пьеса ўйналмоқда. «Бой ила батрак»,
Саҳнанинг тўрида, даҳлизхонада
Хира милтираган чироқда титроқ.
Ҳаваскор артистлар бор-йўқ ҳунарин
Илк бора берилиб солди ўртага.
Санарбой — мингбоши, бели букчайиб,
Довдираб йиқилди шунда жўрттага.
Гавдали тарзида алами, ранжи,
Бетлари япалоқ, соқоли чилвир.
Бетига ёпмасдан чиммат, паранжи,
Бой бўлиб ўйнайди букри бел кампир, —
Ким бўлди кўрсатган ажиб ўйинни:
Ким экан? Ким экан? Оқиллар ҳайрон.
Майли эркак дейлик йўғон бўйинни,
Кампир ким? Бу кампир топилди қайдан?
Ўйнаган бойни ҳам, Ҳожионани ҳам
Саҳна ҳунарига ошуфта одам, —

Тиндирмас Сорага ошиқ, меҳрибон,
Артистликни севган ёш Абдураҳмон.
Ҳамза қойил қолди, қарсаклар чалди,
Саҳнани яшнатиб ўйнаган жонга.
Одамлар олдида қучоқлаб олди,
Истеъдод келди, деб яна жаҳонга.
Жамила ролида ўйнаб Сора қиз,
Қанчалар уялди, чалди сибизға.
Ярқираб келди, деб бир ёруғ юлдуз
Қўнғирот бахш этди меҳрини қизга.
Кўрганди овулда Жамила янглиғ
Бойлар панжасида хўрланганларни.
Амирга беклардан бир совға, тортиқ
Каби қурбон бўлган, зўрланганларни...
Ғофирни ўйнаган Сарибой ўғли
Комсомол созини куйлатган Тилак,
Равшан бўлиб бугун танлаган йўли —
Томошагоҳларда ўйнаб чархпалак.
Мана у турибди, елкасин қисиб,
Тилида айланар мунаввар қўшиқ:
Қатиқдан чой қайнатган,
Ҳўкизни ҳам сайратган,
Чивинга арпа ўрдириб
Қамиш билан бойлатган.
Беданага юк ортган,
Аямай икки той ортган,
Етти гумбазли саройни
Гуваладек қулатган,
Кўйлагининг ичида
Икки шаҳар солдирган,
Тошбақанинг белига миниб
Арғумоқни ортда қолдирган,
Чигирткани эгарлаб,
Қувиб қуён олдирган —
Дўппи кийган челакдан
Ўзингиз билган Тилакман,
Эртаю кеч, йўлдошлар,
Саҳнада ҳам керакман...
Ёш саҳнанинг илк ишончли қадами
Чин кўнгилдан қувонтирди ҳаммани.

Қорақалпоқчадан
Карим ҲАКИМОВ таржимаси

## ЮБИЛЕЙГА ТУҲФАЛАР

Республикамиз нашриётлари инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллик тўйига муносиб совға тайёрладилар. Юбилей муносабати билан шоирнинг ўзи ва у ҳақда яратилган асарлардан иборат ўн бешга яқин китоб босмадан чиқарилди.

Айниқса, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир асарлари нашрига катта аҳамият берди. «Замон ичра» деб номланган ўзбек тилидаги сайланмасига унинг янги ҳаётни, инқилобни улуғловчи шеърлари, «Девон»и, «Педагогик асарлари»дан ва ҳажвияларидан намуналар киритилган. «Паранжи сирлари» деб номланган рус тилидаги сайланмасидан эса драмалари ўрин олган. Шу нашриётда шоирнинг яна иккита китоби нашр этилди. «Яша, Шўро!» совғабоп китобчасига унинг шу номдаги шеърининг ўзбек тилидагиси билан биргаликда ўн тўрт қардош республика тилларига таржималари ҳам кирган. Шундай совғабоп тарзда Ҳамзанинг ғазалларидан ва қўшиқларидан ташкил топган «Лирика» китоби ҳам рус тилида чоп қилинган.

Инқилоб куйчисининг рус тилида нашр этилган яна бир асари «Шоир юраги» деб аталади. Унда шоирнинг шеърлари ва ғазаллари «Биз — ишчимиз», «Лирика» номлари остида тўплаб берилган. Шунингдек, бу китобдан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжоновнинг «Ҳамза ижодининг эволюцияси» номли адабий портрети ҳам ўрин олган. Кейинги йилларда Ҳамза ҳаётини, ижодини тадқиқ этишда унинг қадамжоларига алоҳида эътибор берилмоқда.



Шоирнинг дастхати.

Жўрахон Усмоновнинг «Ҳамза қадамжоларида» китоби шу жиҳатдан ўқувчилар диққатини тортиши шубҳасиз. Худди шундай мундарижали «Ҳамза яшаган жойларда» деб номланган китоб эса юқоридаги китобни янада тўлдиради ва бойитади.

Бундан ташқари, Ғ. Ғулом нашриётида тўйга бағишлаб ўзбек ва рус тилларида «Ҳамза» деб номланган плакат ҳам нашрдан чиқарилди.

«Ёш гвардия» нашриёти 100 йиллик юбилейга катта тайёргарлик кўрди. Бу ерда Ҳамзанинг рус ва инглиз тилларига таржима қилинган масалларидан ташкил топган «Тошбақа ва чаён» китоби нашрдан чиқди. Шу йил Москвада ўтадиган халқаро китоб ярмаркаси учун тайёрланган рангли, безакли, чиройли қилиб ишланган бу китоб юбилейга ҳам муносиб совға бўлди. Ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмовнинг «Машҳур кишилар ҳаёти» сериясида нашр этилган «Ҳамза» китоби ҳам тўйга аталган нашрлардан биридир. Унда олим Ҳамзанинг асосан совет давридаги ижтимоий ва ижодий фаолиятини илмий-бадиий лавҳаларда акс эттиради. Бу нашриёт юбилейга атаб яна бир китобни босмага тайёрламоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин «Ёднома» хотира китобида устози билан бўлган учрашувлар, мулоқотлар ҳақида ҳикоя қилади.

«Юлдузча» нашриёти ҳам бу тантанага ҳозирлик билан келди. Атоқли шоирнинг болаларбоп асарлари жамланган «Ақл чироғи» тўплами ўзбек тилида, «Солнце смотрит нам в глаза» тўплами эса рус тилида чиройли безаклар билан совғабоп қилиб чиқарилди.

«Фан» нашриёти А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда республикамизнинг ҳамзашунос олимларининг шоир асарлари тадқиқига бағишланган бир қатор рисолаларини нашрдан чиқарди. Масалан, илк марта Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 5 томдан иборат мукаммал асарлар тўплами нашр этилди. Б. Назаровнинг «Ҳамза абадияти», Р. Воҳидов ва М. Ҳошимованинг «Илҳом чашмалари», С. Ризаевнинг «Ҳамза «Девони»нинг частотали луғати» сингари тўпламлар эса шоир асарлари юзасидан олиб борилган янги тадқиқотлар самарасидир.

Республикамизнинг бошқа нашриётларида ҳам, шунингдек, қардош республикаларда ҳам улуғ шоир юбилейига бағишланиб янги китоблар чоп этилди. Хуллас, бугунги қайта қуриш даврида ҳамзашунослик фанида ҳам изланишлар кучайди.

## ШАРҚ КЕЧАЛАРИ

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА Ниёзийнинг халқ урф-одатлари, маросимлари ва байрамлари ривожига қўшган ҳиссаси илмда деярли умумлаштирилмаган. Ваҳоланки, ўзбек совет маданияти тараққиётида у «янги ҳаёт куйчиси» ва «эскилик сарқитларига қарши курашувчи жангчи» сифатида маълум ва машҳурдир. Ҳамзанинг халқ байрамларига оид фаолиятида тўрт йўналиш кўзга ташланади.

Биринчидан, Ҳамза фаол ижтимоий-сиёсий арбоб сифатида янги ҳаёт тараққиётига ғов бўлган эскилик сарқитларига қарши курашиш билан бирга, замон талабига жавоб бермай қўйган диний одат ва байрамларга қарши ташвиқот ишларини олиб борган. Диний байрамларнинг синфий моҳиятини очишда шоирнинг 1914 йили ёзган «Рамазон» шеъри муҳим ўрин тутади. Унда Ҳамза байрамлар руҳонийларнинг ўз мавқеини янада мустаҳкамлашлари, меҳнаткашлар уларга янада кўпроқ қарам бўлиб қолиши учун хизмат қилиши ҳақида ачиниш билан сўзлайди. 1914 йилда ёзилган «Ийди қурбон» номли публицистик мақоласида ислом динининг яна бир моҳиятини очиб беради.

Ҳамза бўш вақтни ижтимоий фойдасиз ишга сарфлашни ўз асарларида қаттиқ танқид қилади. Л. Қаюмовнинг 1973 йили нашр этилган «Ҳамза» номли китобида келтирилишича, 1917 йили нашр этилган «Кенгаш» журналининг 2-сонидаёқ шоир байрам кунлари, жумладан, жума кунлари бефойда одатлар билан ўтаётганлиги ҳақида шундай деб ёзади: «Чунончи: боғларга чиқиб ўйнамоқ, қарта ўйнамоқ, гўдакларимиз эса тухум ва пилдироқ ўйнамоқ, уламо ва ағниё ва косибларимиз эса бори қорун тўйдурмоқ, бировларни мазамат ва ғийбат қилмоқ... фисқ ва номашруъ ишларга саргардон ва оғишталикдан иборатдур».

Иккинчидан, Ҳамза эскилик сарқитларига қарши курашиш билан чекланиб қолмасдан, халқ бисотидаги яхши анъаналарни ривожлантиришга чақиради ва бу борада ўзининг амалий ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Чунончи, профессор Л. Қаюмов юқорида тилга олинган китобида Ҳамза инқилобдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам халқ байрамларида, жумладан, Хоразмда «Гул байрами», Наманганда «Қовун сайли», кўпгина жойларда «Наврўз байрами» кабиларни ташкил қилишда фаол қатнашганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Ҳамза ижодига назар ташлар эканмиз, халқ байрамларини, дам олиш кунларини ижтимоий-фойдали одатлар билан бойитишга ҳаракат қилганининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Ҳамзанинг «Тўла асарлар тўплами»да (1989 йил, 4-том) шундай сатрларни ўқиш мумкин: «...байрам қилув бирбирларига меҳмон бўлиб қолмоқ; нотоб қардошларни боруб ҳол сўрмоқ... меҳмонхоналарда, дарсхоналарда бешлаб, ўнлаб мажлис қилмоқ... Уламолар авомга, ағниё фуқарога ёрдам қилмоқ, мактаблар очмоқ, кўҳна мадрасаларни тузатмоқ, кўр, шол ёхуд заифлик мажбурияти ила тирикликдан бутун ожиз қолган тул хотун, бева-бечора, етимларни тарбия қилмоқ... йўлларини изламоқ, хусусан, ўқув-ўқутув усулларин замонга мувофиқ тақсим қилмоқ чораларин ахтармоқ... миллатимиздаги бундай камчиликларни фикрлашмоқ, сўнгра ўн минглаб халқимизи бағрига тўплаб турган жомеларимизда воизларимиз орқали юқоридаги заруриётдан халқимизи озод қилмоқ... энг биринчи муҳим бурчимиздир.»

Учинчидан, шоир буюк инқилобнинг дастлабки йиллариданоқ интернационал байрамлар — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май, хотин-қизлар байрами — 8 Март, Октябрь революциясининг йиллиги кабиларни қувонч билан кутиб олди. У республикамиз территориясида юқорида санаб ўтилган байрамларни ўтказишнинг биринчи ташаббускорларидандир. Ҳамза томонидан ташкил қилинган илк труппа ҳам айнан байрам куни, яъни 1918 йил — 1 Май байрамига бағишлаб тайёрланган тадбир билан ўз фаолиятини бошлаган эди.

Тўртинчидан, Ҳамза ижодкор-новатор сифатида ўша давр учун муҳим бўлган янги байрамларни ташкил қилишга ҳаракат қилади. Жумладан, ўлкамизда оммавий театрлаштирилган байрамлар уюштириш борасида ўзига хос янги шакл, услуб яратади ва уларга «Шарқ кечалари» деб ном беради.

Маълумки, «Шарқ кечалари» инқилобга қадар ҳам уюштирилган. Масалан, ана шундай «Шарқ кечалари»дан бири 1911 йилда тошкентлик зиёлилар томонидан уюштирилган бўлиб, спектакль кўрсатиш билан чекланган эди. Ҳамза ана шу анъанавий шаклни халқ сайллари, оммавий инсценировкалар, концертлар, агитспектакллар, энг асосийси, янги мазмун билан бойитилган театрлаштирилган байрамларга айлантиради. Бу тадбирлар тарғибот ва ташвиқот ишларида жанговар қурол бўлиб хизмат қилди.

Ҳамза биринчи марта «Шарқ кечалари»ни 1919 йилнинг апрелида, Тошкентда ўлка сайёр драмтруппасининг гастроли вақтида «Турон» театрида ташкил қилади.

Бу кечаларнинг программаси беш қисмдан иборат бўлган. Ҳамза кеча ўтказиш жараёнини мунтазам равишда ривожлантириб борган. 1919 йилнинг 23 октябрида Андижонда ўтказилган «Шарқ кечалари»да у театрлаштирилган элементлардан ташкил топган концертдан фойдаланди ва махсус ёзган «Сармоя» номли инсценировкасини қўйди. Программада андижонлик машҳур қизиқчи — аскиябозлар санъатини намойиш қилиш ҳам мўлжалланган эди. Республиканинг турли бурчакларида мана шундай «Шарқ кечалари» ташкил қилиниб, Ҳамза улар учун «Ҳой, ишчи», «Қузғунлар», «Биз ишчимиз», «Ўзбекистон» каби махсус инсценировкалар ёзади. Бу инсценировкаларнинг ҳаммаси анъанавий томошалар асосида яратилган бўлиб, уларда илғор рус дрматургияси усулларидан ҳам фойдаланилган. Айниқса, унинг асарларида Ефим Вольнийнинг 1919 йили Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Кўқонда қўйилган «Икки дунё» номли инсценировкасининг катта таъсирини сезиш мумкин.

Худди Ефим Вольнийдаги каби Ҳамза инсценировкаларида ҳам янги қаҳрамонларнинг рамзий қиёфалари — Ишчи, Деҳқон, Қизил гвардиячи ва бошқалар пайдо бўлди. Агар Ҳамзанинг илк асарлари жамиятдаги айрим шахслар орасидаги конфликт асосига қурилган бўлса, энди унинг асарларидаги воқеалар икки дунёнинг ўткир тўқнашуви асосига қурилади. Инсценировка одатдагидай «Революция ғалабаси» билан якунланади.

Ҳамза инсценировкалари бой бадиий образлари билан фарқ қилади. Шу мақсадда ҳар бир бадиий ташвиқот-тадбирда турли ифода воситалари: рақс, пантомима, музикали дуэтлар, шеърлар, сўзлардан моҳирона фойдаланилган. Бундай усул оммавий тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирини оширади.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Октябрь инқилоби арафасида ва дастлабки йилларда эски одатлар, диний байрамлар (масалан, қурбон ҳайит, рўза ҳайит)га басма-бас илғор, ўз халқи ҳаётига мос янги байрамларни жорий этиш, театрлаштирилган оммавий «Шарқ кечалари» каби байрамларни яратишда катта иш олиб борган. У ўлкамизда ўзбек совет байрамларининг тараққий этиб боришига муносиб ҳисса қўшган.

**Усмонжон ҚОРАБОЕВ,**
**Тошкент Давлат маданият институтининг доценти,**

**Клара МАҲМУДОВА,**
**катта ўқитувчи**

